

**2022 йилда коррупцияга қарши курашиш
тизимининг амал қилиши ҳақида
УМУМИЙ ҲИСОБОТ**

**I. Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш
жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма) Коррупцияга қарши чора-
тадбирлар дастури бажарилгани тўғрисида умумий ахборот**

Коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси фаолияти йўлга қўйилган.

Жамғармада коррупцион хавф-хатарлар ҳақида хабар бериш учун алоқа каналлари яратилиб, доимий фаолият юритилиши йўлга қўйилган.

Жамғарма фаолиятига оид молиявий ҳисоботлар ва молиявий кўрсаткичлари доимий равишда Жамғарманинг расмий веб-сайтида жойлаштирилиб, очиқлиги таъминланиб келимоқда.

Жамғарма фаолиятига оид хўжалик шартномалари “Давлат харидлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган тартиб-таомиллар асосида амалга оширилиб, шартномалар махсус порталга жойлатилиб келинмоқда.

Шунингдек, амалдаги қонунчилик ҳужжатлари ҳамда янги қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун моҳиятини тушунтириш юзасидан тарғибот тадбирлари ўтказилиб, ходимлар эътиборига етказилиб келинмоқда.

II. Сиёсат ва тартиб-таомиллар

Жамғармада коррупцияга қарши соҳасига тааллуқли бўлган қуйидаги ички идоравий ҳужжатлар тасдиқланган:

а) 2020 йил 22 декабрдаги 43-сон буйруқ билан:

Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси ходимларининг Одоб-ахлоқ қоидалари;

Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасининг коррупцияга оид ҳаракатлар тўғрисида алоқа каналлари орқали келиб тушган хабарларни қабул қилиш регламенти;

б) 2021 йил 29 декабрдаги 31-сон буйруқ билан:

Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасининг Коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси фаолияти тўғрисидаги низом;

Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасининг коррупцияга қарши курашиш бўйича сиёсати;

Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш услубиёти;

Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасида манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича низом;

Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси ходимларининг этика ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўқитилишини ташкил қилиш бўйича йўриқнома;

Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасида контрагентларни текширишга оид йўриқнома;

Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасига ишга қабул қилинаётган номзодларни текшириш бўйича йўриқнома;

Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасида Коррупцияга қарши тартиб-таомилларнинг самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш услубиёти;

Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасида коррупцияга қарши кураш тизимининг ҳолати тўғрисидаги ҳисоботни шакллантириш ва тақдим этиш бўйича низом;

Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси ходимларининг коррупциявий хатти-ҳаракатлари ва одоб-ахлоқ қоидаларини бузиш ҳолатлари устидан хизмат текширувлари ўтказиш бўйича регламент.

III. Хавф-хатарларни баҳолаш

Жамғармада коррупцион хавф-хатарларни баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилмоқда. Хавф-хатарларни баҳолаш 2023 йил давомида ўтказилиши режалаштирилган.

IV. Амалга ошириладиган коррупцияга қарши курашиш тартиб-таомиллар

Манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш

Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасининг 2021 йил 29 декабрдаги 31-сон буйруқ билан “Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасида манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича” низом тасдиқланган.

Коррупцияга қарши қоидаларни Ташкилот шарномаларига киритиш

Жамғарма фаолиятига оид хўжалик шартномалари давлат харидлари махсус портали орқали амалга амалга оширилиб, ғолиблар билан намунавий типдаги шартномалар тузилган.

Тўғрисдан-тўғри тузилган шартномаларда коррупцияга қарши курашишига оид қоидалар киритилган. Ушбу қоидалар контрагентлар томонидан рад этилмаган ҳамда коррупцияга оид сабаблар билан шартномалар бекор қилинмаган.

Контрагентларни текшириш

Жамғарма фаолиятига оид хўжалик шартномалари давлат харидлари махсус портали орқали амалга амалга оширилганлиги сабабли контрагентлар текширилмаган.

Ишга номзодларни текшириш

Жамғармага ҳисобот даврида 1 нафар ходим ишга қабул қилиниб, текширувдан ўтказилган.

V. Таълим ва коммуникация

Жамғарма директори, Ходимлар масалалари бўйича масъул ҳамда Коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси масъули Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан 2022 йил 14 декабрда ташкил этилган ўқув семинарда иштирок этган.

Шунингдек, доимий равишда Жамғарма ходимларининг қонунчилик ҳужжатларининг мазмун моҳиятини тушунтириш бўйича тарғибот тадбирлари ўтказилиб келинади.

Барча ходимларга Ўзбекистон Республикаси Миллий қонунчилик базасидан онлайн тарзда фойдаланиш имконияти яратилган.

Ходимлар Адлия вазирлигининг телеграм ижтимоий тармоғидаги “Ҳуқуқий ахборот” каналига аъзо бўлиши таъминланган.

VI. Коррупциявий хатти-харакатлар ва ҳуқуқбузарликлар тўрисидаги хабарлар

Ҳисобот даврида ходимларнинг коррупциявий хатти-харакатлари, манфаатлар тўқнашуви, коррупцияга қарши бошқа қонунбузарликлар билан боғлиқ масалалар тўғрисида алоқа каналлари орқали хабарлар келиб тушмаган.

VII. Мониторинг ва назорат

Ходимларнинг коррупцияга қарши асосий талаблар ва тартиб-таомиллардан хабардорлиги юзасидан якуний мониторинг натижалари ҳамда ушбу талаблар ва тартиб-таомилларга риоя этилиши устидан назорат тадбирлари ўтказилган.

2022 йилда 2 марта сменар ташкил этилиб, унда барча ходимлар қатнашган, Жамғарманинг барча ходимлари коррупцияга қарши сиёсат билан танишган. Танлов асосида сўралган 3 нафар ходим ушбу сиёсатдан хабардорлиги аниқланди.

VIII. Аниқланган қоидабузарликлар ва уларга таъсир чоралари

Қоида бузарликлар аниқланмаган ва хабарлар келиб тушмаган.

IX. Хулосалар

Жамғармада коррупцияга қарши курашиш тизими ташкил этилиб, фаолияти йўлга қўйилган. Ҳуқуқий асослари яратилган. Бугунги кунга қадар Жамғармада коррупцион ҳолатларга, манфаатлар тўқнашувларига йўл қўйилмаган.

X. Коррупцияга қарши кураш тизимини янада ривожлантириш бўйича таклифлар ва тадбирлар режаси

Кейинги ҳисобот даврида мониторинг ва назорат тадбирларини ўтказиш, Жамғарма тизимини янада рақамлаштириш, тарғибот тадбирларини янада ривожлантириш, коррупцияга қарши курашишга оид ҳужжатларни Жамғарма расмий веб-сайтига жойлаб бориш таклиф этилади.

**Коррупцияга қарши
ички назорат тузилмаси раҳбари**



С.Худайназаров